



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM  
VAZIRLIGI



ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
TOSHKENT DAVLAT O'ZBEK TILI  
VA ADABIYOTI UNIVERSITETI

**“TIL VA ADABIYOT TA'LIMIDA ZAMONAVIY  
AXBOROT VA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR”**

**“INFORMATION AND CONTEMPORARY PEDAGOGICAL  
TECHNOLOGIES IN EDUCATION OF LANGUAGE AND  
LITURATURE”**

**“СОВРЕМЕННЫЕ ИНФОРМАЦИОННЫЕ И  
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ В ПРЕПОДАВАНИИ  
ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ”**

**RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ANJUMANI  
MATERIALLARI**



TOSHKENT-2018

Р.Атамуратов	Виртуал-таълимий музейлар яратишнинг афзалликлари.....	196
С. Кенжаева, Д.Кенжаева	Педагогик технологиялар – самарадорлик асоси.....	199
D.Mahkamova, U.Xolnazarov	Filologik ta’limda “keys-stadi” metodidan foydalanish...	202
S.Umarov, Z.Umarova	Erkin taqdimot – innovatsion texnologiya.....	205
З.Абдурахмонова	Илғор педагогик технологиялар таълим самарасининг имкониятларидан бири.....	209
И. Курбанова, Б.Хамдамов	Таълим жараёнида инновацион технологияларнинг ўрни.....	211
Г. Душаева, А.Абдухамитов	Инновацион технологиялар асосида таълимнинг сифат ва самарадорлигини ошириш.....	213

### XORIJLY HAMKORLARIMIZ MINBARI

А.И.Мехтиалиев	Математический подход к исследованию паремий.....	215
Б.Асмагамбетова	Роль информационных технологий в обучении русскому языку.....	222
М.И.Кадеева	Разработка инновационной образовательной среды для преподавания языковых дисциплин в ВУЗе.....	226
О.А.Попович	Использование интерактивных технологий в преподавании дисциплины «логический анализ языка».....	232
Д.С.Ташимханова	Текст в аспекте формирования коммуникативных умений обучающихся.....	236
Г.З.Шашкина, О.А.Анищенко, В.В.Шмельцер	Учебник-хрестоматия «русская литература» для 8 класса школ республики казахстан с русским языком обучения: особенности и тематическая организация...	239

### IQTIDORLI TALABALAR IZLANISHLARI

J.Alimova	Fe’l so’z turkumini o’rganish orqali o’quvchilarning so’z boyligini oshirish masalasi.....	245
O.Abdurashidova	“Oq kema” qissasini o’qitishda muammoli ta’lim texnologiyalarining o’mi.....	247
L.Jo’rayeva	Yordamchi so’zlarni o’qitishda innovatsion axborot texnologiyalaridan foydalanish.....	254

таҳлил”, ”Зинма-зина”, ”Б-Б-Б” ўйин-топшириқларидан фойдаланиш ижобий самара беради [5].

Таълимнинг белгиланган стандартлари ва замонавий талабларга жавоб берадиган янги авлод дарслиги электрон дарсликлар давр талабидир. Маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларида қўл келадиган бундай электрон дарсликлар билим олувчиларнинг тасаввурини кенгайтиришга (образли ва мантиқий фикрлашга), дастлабки билимларини ривожлантиришга ва чуқурлаштиришга, қўшимча маълумотлар (мультимедиа ва телекоммуникацион технологияларнинг замонавий воситаларини максимал қўллаш) билан таъминлашга мўлжалланганлиги билан аҳамиятлидир. ”Ҳозирги ўзбек адабий тили. Морфология ва синтаксис” электрон дарслиги ўқув жараёнига фойдаланиш учун киритилганлиги масала долзарблигининг яққол мисолидир [3;4;].

Хулоса ўрнида шунини айтиш лозимки, ўқитиш жараёнининг ўзига хос хусусиятли томонлари мавжуд бўлиб, самарали натижани кафолатлаш асосан педагогик технологиялар асосида амалга ошади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Махмутов М.И., Ибрагимов Г.И., Чошанов М.А. Педагогические технологии развития мышления учащихся. – Казань, 1993.-88 с.
2. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии. - М.: Народное образование, 1998. – 256 с.
3. Тоирова Г., Абузалова М., Сафарова Н. Маҳмараймова Ш. Hozirgi o'zbek adabiy tili. Morfologiya va sintaksis. Электрон дарслик. Guvohnoma № 000254 ”Intellekt Ekspert” Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк агентлиги. – Тошкент, 2016.
4. Тоирова Г. Машғулотларни электрон дарсликлар асосида ўтишнинг самарадорлиги // Ўзбек тили доимий анжумани 51-йиғилиш материаллари. - Тошкент, 2007. -Б.268.
5. Қосимова Н., Тоирова Г. Она тили дарсларида ўйин-топшириқлардан фойдаланишнинг самарадорлиги // Филология ва усулиёт масалалари. 2-китоб. - Бухоро: ”Бухоро” нашриёти, 2010. -Б. 185-188.

#### **ВИРТУАЛ-ТАЪЛИМИЙ МУЗЕЙЛАР ЯРАТИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ**

Атамурастов Р.,  
ТошДУТАУ ўқитувчиси

Бугунги кунда келажак авлод тарбиясида музейлар муҳим аҳамиятга эга. Музейлар санъатнинг ўтмиши, келажаги ва бугунги кунини бевосита кўриш, кузатиш, гидрок этишда асосий воситалардан биридир. Ўсиб келаётган янги авлод эркин, танқидий, ижодий ва мустақил тафаккурга эга, сиёсий ва ижтимоий фаол, изланувчан ва омилкор, миллий ва жаҳон маданиятидан хабардор, юксак маънавиятли шахс бўлиб шаклланиши лозим, деган вазифа кўндаланг қўйилмоқда. Замонавий ахборот технологиялари ривожланаётган

даврда яшаётган эканмиз тарихни англашда, уни келажак авлодларга қолдиришда виртуал–таълимий музейларнинг ўрни катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Виртуал–таълимий музейларни яратиш ва моддий-техник базасини тўлдириш орқали амалга оширилаётган ишлар ёш авлодни гузаллик руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутати.

Музей – бу узок ва яқин ўтмишдан дарак берувчи маскан, аини пайтда катта жонли, табиий, кўргазмали ашёлари билан тарбиявий қувватга эга бўлган дарсхона – таълим-тарбия ўчоғидир.

Музейларнинг таълимий-тарбиявий вазифасидан келиб чиққан ҳолда уни амалий аҳамиятини оширишга хизмат қилувчи педагогиканинг янги соҳаси – музей педагогикасига алоҳида эҳтиёж сезилмоқда. Чунки ҳозирги даврда турли ёшдаги болалар билан музей ва таълим муассасалари ўртасидаги алоқа аниқ маълум бир мақсадга йўналтирилмаган ҳолда олиб борилмоқда. Музейлар ўсиб келаётган ёш авлодни моддий-маънавий меросга ҳурмат руҳида тарбиялашда, маданий-тарихий, табиий-илмий кадриятларни ўзида жамлайдиган ижтимоий маскан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам музей ва мактабларнинг таълим соҳасидаги фаолиятига тизимли ва дастурлаштирилган ҳолда ёндашиш талаб этилади<sup>54</sup>.

XX асрнинг 90 йилларида музейшунослик соҳасига кириб келган «виртуал музей» ибораси бугунги кунда замонавий музейшуносликнинг бутун бошли йўналишига айланиб улгурди. Дастлабки вақтларда ушбу ибора ўқувчилар орасида гарчи унчалик тушунарли бўлмасада, лекин чиройли ва ёқимли янграр эди. «Виртуал» сўзи «мўжиза, ҳақиқий, реал» маъноларини ифода этса ҳам, аслида у лотинчадан таржима қилинганда «виртус» – ҳаёлий, фараз қилиш сўзларидан келиб чиққан<sup>55</sup>.

Биринчи виртуал музейлар 1991 йил интернет тармоғида веб-сайт кўринишида ташкил этилган. Дастлаб виртуал музейлар ҳақиқий музейларнинг сайтлари бўлган бўлса, кейинчалик шахсий веб-сайт кўринишидаги виртуал музейлар пайдо бўла бошлади.

Лекин барча расм тўпламлари ҳам виртуал музей бўла олмайди. Виртуал музейларнинг тўпламлари иккита ўзига хос характеристикага эга бўлиши керак. Бу виртуал саёхатлар ва экспонатларнинг мукаммаллашган қидирувидир.

Виртуал–таълимий музейлар яратиш технологиялари борасида бир қатор музейшунос ва олимлар илмий изланиш олиб боришган. Буларга К.Валчак, Г.Миллер, Ж.Бовен, Мартин Уайт, Н.П.Лисикова, В.И.Гвазава, И.Г.Еленер, А.А.Зарубин, В.В.Селиванов, Т.Е.Максимова, Э.В.Шербакова, В.А.Матвеев, Д.Е.Супрун, Б.Ходжаев, Ж.Исмоилова ва бошқаларни киритиш мумкин.

Н.П.Лисикова тадқиқотларига кўра, виртуал–таълимий музейлар ҳар бир ўқувчига янги маданиятлар, янги мулоқотлар, тажрибалар ва етук шахс таълим тарбиясидаги роли ҳақида шунингдек, умумий масалаларни ҳал қилувчи ва

<sup>54</sup> Исмаилова Ж., Нишанова К., Мухамедова М. Музей ва жамият. – Т.: Чинор ЭНК, 2015. – Б.92.

<sup>55</sup> Д.Қурбонова. Замонавий музейшуносликда виртуал кўргазмаларнинг истиқболлари. // Ўзбекистон музейлари истиқболи. Илмий қўлланма. – Т.: АКАДЕМНАШР, 2013. – Б.38.

ўқув жараёнида фойдаланиш самарадорлигини оширувчи восита сифатида атрофлича фикрлар келтирган<sup>56</sup>.

Б.Ходжаев тадқиқотлари шуни кўрсатадики, виртуал–таълимий музейлардан ўқув жараёнида фойдаланиш, нафақат дарсни самарали ташкил этиш ва таълим сифатини ошириш, балки ҳамкорлик педагогикаси доирасида ўқувчиларнинг тадқиқотчиликка доир фаолиятини мувафаккиятли ташкил этишга ҳам имкон беради<sup>57</sup>.

Виртуал–таълимий музей яратиш учун аввало, лойиҳа ва уни амалга ошириш босқичлари, қайси интернет тармоғига жойлаштириш ва виртуал турларни амалга ошириш технологиялари ва интерактив мулоқот шакллари, қисқа қилиб айтганда, алгоритм ишлаб чиқиш талаб этилади.

Бу кўринишдаги музейлар таълимий, маданий–маърифий, коммуникатив ва қизиқтирувчи хусусиятларга эга.

Таълим–тарбия жараёнида виртуал–таълимий музейларнинг имкониятлари жуда ҳам кенг бўлиб, мактабда (тарих дарсларида) турли мамлакатларнинг музейларига виртуал саёҳатлар қилиш, мозий меросларини яқиндан танишиш ва ранг–баранг экспонатлар мужассамлашган коллекцияларни, фойдали ва қизик маълумотларни ўз ичига олган виртуал– таълимий музей заллари бўйлаб қилган саёҳати ўша гўзаллик муҳитининг иштирокчисига айланади.

Умумтаълим мактабларининг адабиёт дарслари кўпинча анъанавий ҳолатда ташкил этилади. Бирор ёзувчи ёки шоир ҳаёти ва ижоди ўрганилганда маълумотлар турли кўринишлар (матн, расм ва тақдимот)да берилади. Бундай маълумотларни эгаллашда яратилган виртуал–таълимий уй музейларидан фойдаланилса, ёзувчи ва шоирларнинг таржимаи ҳоли, у яшаган уй муҳити билан яқиндан танишиш ва виртуал саёҳат қилиш орқали ўша давр “жонли” муҳитида “яшаш”лари учун имкон беради.

Амалиёт шуни кўрсатадики, виртуал–таълимий музейларни яратиш музейларга бўлган қизиқувчилар сонини фақат кўпайтиради ва маданий меросларни келажак авлодга авайлаб–асраб етказишга, сақлашга ва маданий ҳаётни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Шундай қилиб, виртуал–таълимий музейлар ҳар бир инсонни янги билим майдонларига киришига йўл очишни таъминловчи коммуникатив манбаадир. Шунинг учун юртимиздаги музейларнинг ҳам виртуал кўринишини яратиш ва ўқув жараёнидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. // «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» асарида – Т.: «Шарк», 1997. – Б.37.

2. Исмаилова Ж., Нишанова К., Мухамедова М. Музей ва жамият. – Т.: Чинор ЭНК, 2015. – Б.92.

<sup>56</sup> Н.П.Лыскова. Виртуальный музей в системе школьного образования / Образование в современном мире: сб. науч. ст. / Саратов: Изд-во Сарат. 2016. Вып. 11. С.29. ISSN 1996-451X

<sup>57</sup> Б.Ходжаев. Модернизациялашган дидактик таъминот воситасида умумтаълим мактаблари ўқувчиларида тарихий тафаккурни ривожлантириш (монография). –Т.: Fan va texnologiya, 2015, 252 бет